

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Найририк ТЙФУК директори

Ш Турабеков

2022й



Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Самарканд -2022

Танлов хужжатларининг мазмуни:

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**
- II. Техник қисм**
- III. Нархлар қисми**

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1.1. Танлов предмети Пайарик ТЙФУК асига қарашли йул қурилиши объектларида автотранспорт ёрдамида асфалтбетон материаллари ҳамда кум шугал ташини хизмати ва автогрейдер хизмати

1.2. Танлов охириги қиймати – 65 000 000 (Олтмиш беш миллион) сўм. Ушбу қийматдан ортик қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Бажариладиган иш турлари техник топширик танлов хужжатларининг техник қиемда илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича тўлиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 60 кун муддатга.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Пайарик ТЙФУК(бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлав ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Пайарик шаҳри И Жунайдуллаев кўчаси 2- уй

Э.а.адрес:

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов Пайарик ТЙФУК “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисосланган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги талаблар қўйилади:

танлов предмети қийматининг камида 15 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк қаролатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва вақолатлар;

танлов объектига ўхшаш объектларда ишлар тажрибасининг мавжудлиги;

ўз кучлари билан ишларни бажариладиган иш хажмлари ўтритиладиган маълумотлар;

танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган хажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);

Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга қўйилади.

3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнида иштирок этишга рўхсат берилмайди: қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиши), тугатилиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассаселик келишув, молиявий иштирок, ҳолдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир-бирини молиявий қарамлиги мавжудлар.

4. ТАЊЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШИ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталга электрон танловлар ўтказиши учун жойлаштиришди лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ўзбек тилида такдим этилиши лозим.

4.3. танлов хужжатларида қуйидагилар такдим этилиши лозим:

- Техник қием. “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

- Нархлар қиеми. Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариши муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатиши билан бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоен ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир варақини муҳрлаб тасдиқланган ҳолда такдим этишлари лозим.

4.4. Қуйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

- Техник таклиф. Фирменний бланкада имзоланган, номерланган ва муҳрланган ҳолда;

- Техник хужжатлар руйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш хужжатлар руйхати илова қилинади);

- Нархлар таклифи ва нархлар бўйича жадвал туздирилиши ва илова қилиниши лозим.

4.5. Танлов иштирокчиси:

- фақат битта таклиф бериши мумкин;

- такдим этиладиган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигида тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериши муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиши ёки ўзгартириши киритиши ҳуқуқига эга.

5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун таъбуқли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5- календар кунга узайтириши мумкин.

5.2. Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3. Танлов муддатини узайтириши тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталда жойлаштирилиши лозим.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда тўлиқ иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиши бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси такдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрисида жавобгардир. Ҳолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартишлар киритиши тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериши муддати тугайдиган санадан қамқида ушбу қарор қабул қилишга ҳақли. Товари (иниши, хизмати) ўзгартиришига йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериши тугайдиган муддат танлов хужжатларида ўзгартириши кир



киририлган санадан эътиборан камда ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонда ўзгартиришлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари кондаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш мўлдатли тугайдиган санадан камда икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориш шарт. Танлов ҳужжатларининг кондаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг италган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосини тuzилади.



Бош муҳандис:

Ш Рўзиқулов

Йўл булими бошлиғи:

З Бобоқулов

